



МАГИСТРАТУРА ТАЛАБАЛАРИДА ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТЕХНИК МАЪЛУМОТЛАР БАЗАЛАРИДАН Фойдаланиш КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: ЖОРИЙ ҲОЛАТ ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Тоҳиров Зуфар Музаффар ўғли

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази бўлим бошлиғи

Муродуллаев Шоҳруҳ Хабибулло ўғли

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази бош мутахассиси

Отахонова Мафтуна Тўлқинбековна

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази етакчи мутахассиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19345988>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 22-mart 2026 yil
Ma'qullandi: 26-mart 2026 yil
Nashr qilindi: 31-mart 2026 yil

KEYWORDS

магистратура, илмий маълумотлар базаси (scientific databases), Scopus, Web of Science, илмий тадқиқот методологияси, педагогик компетенция, мустақил таълим.

ABSTRACT

Ушбу мақолада республика олий таълим муассасалари магистратура талабаларининг халқаро илмий-техник маълумотлар базаларидан фойдаланиш кўникмалари таҳлил қилинади. Тадқиқот давомида ўқув режаларининг мазмуни ва соҳа мутахассислари ҳамда талабалар ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари ўрганилган. Мақолада аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва магистрларнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Бугунги кунда олий таълим тизимида юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашда халқаро илмий-техник маълумотлар базалари (Springer, Web of Science, Scopus ва ҳ.к.) билан ишлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Магистратура талабаларининг илмий тадқиқот самарадорлиги бевосита уларнинг глобал илмий ахборот ресурсларидан фойдаланиш даражасига боғлиқдир. Мазкур тадқиқот Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази мутахассислари томонидан ушбу йўналишдаги жорий ҳолатни ўрганиш мақсадида ўтказилди.

ii. Усуллар

Тадқиқот икки босқичда амалга оширилди:


1. Хужжатлар таҳлили: Республикадаги 26 та таълим соҳасининг магистратура ўқув режалари ва "Илмий тадқиқот методологияси" фани силлабуслари кўриб чиқилди.

2. Сўровнома: Мақсадли гуруҳ сифатида 1200 нафардан ортиқ магистрлар ва 1500 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар иштирок этди.


iii. Натижалар

Магистратура талабалари ўртасида ўтказилган сўровномада респондентларнинг **90 фоизи** Springer, Web of Science, Google Scholar, Scopus, **5 фоизи** Taylor and Francis, Academic Search Premier, Jstor, Academic search, **2 фоизи** эса IEEE Xplore, Pubmed, EconLit ва бошқа шу каби халқаро илмий базалардан фойдаланишини таъкидлашган. Фақат **3 фоиз** талабалар эса халқаро илмий-техник базалардан фойдаланмасликларини таъкидлашган. Мазкур статистик маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, талабалар халқаро илмий-техник базалардан фаол фойдаланишади. Шунинг учун ҳам, ўқув жараёнида талабаларда халқаро базалар билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш муҳим ҳисобланади.

Халқаро илмий-техник базалардан фойдаланиш




Халқаро илмий-техник маълумотлар базаларидан фойдаланадиган талабаларнинг **39.9 фоизи** магистрлик диссертациясини ёзиш, **36.5 фоизи** илмий тезис ёки мақола ёзиш ва **15.4 фоизи** мустақил таълим доирасида берилган топшириқларни бажаришда фойдаланиш орқали самарали кўрсатқичларга эришиш мумкин деб ҳисоблашади. Талабаларнинг **8.2 фоизи** эса илмий базалардан ўқув фаолиятида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайди.




Сўровномада иштирок этган талабаларнинг **58.2 фоизи** олий таълим муассасалари томонидан доимий равишда халқаро илмий-техник базалар тўғрисида тушунчалар бериб борилишини такидлашган бўлишса, **30.7%** қисқа тушунтириш беришганлигини қолган **11.1%** талабалар эса тушунтириш ишлари олиб борилмаслигини таъкидлашган. Бундан кўриниб турибдики, республикамиз олий таълим ташкилотларининг **42 фоизи**да халқаро илмий-техник базалардан фойдаланиш бўйича ишлар самарали ташкил қилинмаган ҳамда айримларида умуман ҳеч қандай ишлар амалга оширилмаган.

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ТЕХНИК БАЗАЛАР ТУШУНТИРИШ ДАРАЖАСИ



Шунингдек, талабалардан илмий базалардан мақсадли фойдаланишини 5 балли шкалада баҳолаш сўралганда, уларнинг деярли 80 фоизи ижобий (5-4 балл) жавоб беришган. Уларнинг **18 фоизи** 3 балл, **2.5 фоизи** эса 2 балл билан мақсадли фойдаланишини белгилашган.

Мақсадли фойдаланиш кўрсаткичи



Бугунги кунда магистратура босқичида таҳсил олаётган талабаларнинг халқаро илмий-техник маълумотлар базаларидан фойдаланиш компетенцияларини ривожлантиришга доир олий таълим муассасаларидаги ҳолат ўрганилганда, сўровномада иштирок этган талабаларнинг **50.1 фоизи** профессор-ўқитувчилар томонидан махсус фанлар бўйича тушунча олишларини, **29 фоиз** талабалар “Илмий тадқиқот методологияси” фани доирасида умумий тушунча олишларини, **12.7 фоиз** талабалар олий таълим муассасалари томонидан берилаётган таълимда мазкур компетенцияни шакллантиришга доир тушунча берилмаслигини, **5.3 фоиз** талабалар видео-роликлар орқали тушунча берилишини, **2.9 фоиз** талабалар эса кутубхона ходимлари томонидан вебинар ва семинарлар орқали тушунча олишларини таъкидлашган.

Сўровномада қатнашган магистрлар халқаро илмий-техник маълумотлар базаларидан фойдаланиш компетенцияларни шакллантириш зарурлигини ҳамда бугунги кун изланувчиси учун ушбу кўникмаларнинг зарурлигини таъкидлашган. Чунки, уларни шакллантириш орқали магистрлик диссертациясини ёзишда, диссертация мавзуси бўйича ўзига тегишли маълумотларни, олимларнинг илмий мақолаларини топишда самарали бўлади ҳамда ўқув жараёнида амалга ошириладиган илмий ишланмалар сифатли бўлади деб ҳисоблашади.


Профессор-ўқитувчилар ўртасида ўтказилган сўровномада 1500 нафардан ортиқ ўқитувчилар иштирок этди.

Сўровномада иштирок этган профессор-ўқитувчиларнинг **60.7 фоизи** талабалар ўқув фаолиятидаги самарадорлик даражасининг ошишида илмий-техник маълумот базаларидан фойдаланиш аҳамияти юқори деб баҳолайди. Уларнинг **36.1 фоизи** талабалар илмий-техник маълумот базаларидан фойдаланиши бугунги кунда фанларнинг асосий қисмини ташкил этаётган мустақил таълим учун фойдали деб ҳисоблашади.

Шунингдек, респондентларнинг **41.7 фоизи** талабалар мустақил таълим вақтларида илмий-техник маълумотлар базаларидан унумли фойдаланишади деб

ҳисоблайди. Уларнинг **51 фоизи** талабаларни мазкур базалардан қисман фойдаланади ҳамда **7.3 фоизи** эса умуман фойдаланмайди деб таъкидлашган. Бундан кўришиб турибдики, талабаларнинг 60 фоизга яқини ўқув ва илмий фаолиятида халқаро илмий-техник базалардан фаол фойдаланмайди. Бу эса уларда маълумотлар билан ишлашда жиддий муаммо мавжудлигидан далолат беради.


ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ВАҚТЛАРИДА ИЛМИЙ-ТЕХНИК БАЗАЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ ДАРАЖАСИ




Диссертация ёзишда талабаларнинг халқаро илмий-техник маълумотлар базаларидан фойдаланиши қандай муаммоларга ечим бўлиши сўралганда, иштирокчиларнинг **54.6 фоизи** илмий тадқиқот ишларининг изчиллигини сифатли чиқишини таъминлашини, **27.2 фоизи** маълумотларнинг ишончилигини таъминлашини, **18.2 фоизи** эса плагиат муаммосини ҳал қилишини таъкидлашган.

Иштирокчилардан халқаро илмий библиографик ва техник маълумотлар базаларидан фойдаланиш компетенциясини шакллантириш бўйича энг муқобил йўл сўралганда, профессор-ўқитувчиларнинг **49.8 фоизи** “Илмий тадқиқот методологияси” фанига мазкур базалар билан ишлаш бўйича мавзуларни киритишни, **23.8 фоизи** базалардан фойдаланиш бўйича видео-роликлар тайёрлаш лозимлигини, **16.2 фоизи** кутубхона ходимлари томонидан талабалар учун мавзуларга оид консултатив курслар ташкил этишни, **10.2 фоизи** алоҳида фан жорий қилиш зарурлигини таклиф қилишган.

Халқаро илмий библиографик ва техник маълумот базаларидан фойдаланиш компетенциясини шакллантириш бўйича энг муқобил йўл



Профессор-ўқитувчиларнинг талабаларда илмий-техник маълумот базалардан фойдаланиш билимларини шаклланишида **48 фоизи** ўзларини, **31.7 фоизи** талабаларни, **20.3 фоизи** эса кутубхона ходимларини масъул деб билишади.



Магистратура босқичини муваффақиятли тугатган магистрантларнинг аксарияти илм йўлида фаолиятини давом эттиришади ҳамда олий ўқув юртларида ўқитувчи сифатида касбий фаолиятини ҳам бошлашади. Шундай бўлса-да, бугунги кунда республикадаги магистратура мутахассисликлари ўқув режаларида уларни педагогик компетенцияларини шакллантирадиган ва ривожлантиришга ёрдам берадиган “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат”, “Махсус фанларни ўқитиш методологияси” каби фанлар мавжуд эмас.

Мазкур масалада магистр ва профессор-ўқитувчиларга юзланганимизда, сўровномада иштирок этган магистрларнинг **67.3 фоизи** мазкур фанларни ўқув режаларга киритиш зарурлигини, **28.4 фоизи** мазкур фанлар қўшилса, ўқув режаларда фанлар қўпайиб кетишини, **4.3 фоиз** талабалар эса бетарафлигини билдиришган.

Профессор-ўқитувчиларнинг аксарияти мазкур фанни киритиш зарурлигини таъкидлашган. Шунингдек, мазкур фанлар аввал ўқув режаларига киритилганда номуахассис ўқитувчиларнинг дарс машғулотларини олиб бориши оқибатида

кутилган натижа бермаганини ва агар ўқув режаларга қўшилса, мазкур фанни мутухассислар ўтиши зарурлигини таъкидлашган.

Тадқиқот давомида ўтказилган сўров натижалари, магистратура талабаларида халқаро илмий-техник маълумотлар базасидан фойдаланиш кўникмаларини таҳлил қилиниб қуйидаги таклифлар илгари сурилмоқда:

Биринчидан, халқаро илмий-техник маълумотлар базасидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш бўйича дарслар, семинар-тренинглар ўтадиган профессор-ўқитувчилар ва кутубхона ходимлари учун қисқа муддатли марказлашган курсларни жорий қилиш ёки малака ошириш курсларига ушбу мавзулардаги дарсларни киритиш;

Иккинчидан, магистратура талабаларининг аксарияти педагогик ва илмий фаолиятини давом эттиришини ҳисобга олган ҳолда барча мутахассисликлар мажбурий фанларига педагогик компетенцияни ривожлантиришга қаратилган фанлар улушини ёки юклама соатлар ҳажмини кўпайтириш;

Учинчидан, ОТМлар барча талабаларда (бакалавр ва магистр) халқаро илмий-техник маълумотлар базасидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришнинг муҳимлигини инobatга олган ҳолда тадқиқотга йўналтирилган фанлар доирасида маълумотлар базасидан фойдаланиш бўйича видео дарслар тайёрлаш ва ўқув платформаларига жойлаштириш ҳамда уларни дарс машғулотларида, мустақил таълим вақтларида фанларга интеграция қилган ҳолда ўтишни жорий қилиш;

Тўртинчидан, маҳаллий базалар ва платформаларга тайёрланган видео дарсларни жойлаштириш ҳамда барча талабалар фойдаланиши учун қулайликлар яратиш лозим.

INNOVATIVE
ACADEMY